



КАСБ ФИДОКОРИ

Гофурова Нозима Рахимовна

Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби

Академик хонандалик синфи уқитувчиси

Анотация: Ушбу мақолада касб фидокорлари ҳақида гап боради. Юртимизнинг санъатига ҳисса кўшган театр, опера ва бошқа соҳаларда хизмат қилган инсонлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: “Тоҳир ва Зухра”, “Майсаранинг иши”, “Севгим самоси”, “Реквием” .

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 27 декабрдаги ПҚ-64 сон “Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинган эди. Қарорда мамлакатимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри фаолиятини такомиллаштириш, унинг жаҳон санъат оламида туттган ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди. Жумладан, республикада опера ва балет санъатини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида миллий опера ва балет санъатида устоз-шогирд анъаналари ва маҳорат мактабларини ривожлантириш, опера ва балет санъатидаги истеъододли ва юқори малакали ижодкорларнинг маҳорат мактабларини ташкил этиш ва бошқа бир қанча чора-тадбирлар белгиланди. Театрга хорижий мамлакатлардан етук ва малакали бош дирижёрларни жалб этиш, театр жамоасининг хорижий давлатларга гастроль сафарларини ташкил қилиш, ижодкорлар ва мутахассисларни хорижда ўқитиш, малака ошириш ва стажировкага юбориш чора-тадбирлари ҳам тасдиқланди.

Ёш кадрларга берилаётган бундай имкониятлар албатта ўз самарасини бермай қолмайди. Буни биргина Малика Норматова мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 2022 йилнинг ноябрь ойида Италияning Милан шахрига малака ошириш (стажировка) учун юборилди. Ўтган давр мобайнида М. Норматова Катта театр репертуарида мавжуд бўлган бир қатор ўзбек ва европа композиторларининг опера асарларида бош ва етакчи партияларни ижро этиб келмоқда. Т.Жалилов, Б.Бровциннинг “Тоҳир ва Зухра” операсида Зухра, С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши” операсида Ойхон, М.Бафоев “Севгим самоси” операсида Хулкар, Д.Вердининг “Аида” операсида Жрица, “Травиата” операсида Анина, Ш.Гунонинг “Фауст” операсидада Маргарита, Г.Доницеттининг “Севги шароби” операсида Адина, В.Моцартнинг “Фигаронинг тўйи” операсида Графиня, П.Чайковский “Пиковая дама” операсида Маша, Ж.Пуччинининг “Богема” операсида Мими, П.Чайковскийнинг “Евгений Онегин” операсида Татьяна, “Иоланта” операсида Иоланта, Р.Абдуллаевнинг “Садоқат” операсида Зулфия, М.Тожиевнинг “Кумуш” операсида Кумуш, М. Бафоевни “А Навоий” операсида Илхом париси партиясини, Пуччинининг “Богема” операсида Мими партиясини, Вердининг “Реквием” асарини ижро этган ва бошқалар шулар жумласидандир. У ўзининг самимийлиги, меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги ва моҳир опера ижрочиси сифатида театр жамоаси, санъат ва маданият намоёндалари орасида хурмат қозонган. Малика Норматова ўзининг бу натижаларга эришишида устози Зоя Васильевна Цурикова нинг хизматлари бенихоят катта деб хисоблайди.

Таниқли педагог, муаллим, мураббий, вокал санъатининг моҳир устаси Зоя Васильевна Цурикова 1929 йилнинг 22 апрель куни Қирғизистоннинг Караван қишлоғида таваллуд топган. Чиройли овоз соҳибаси, қўшиқчи бўламан деб сира ўйламаган ҳам. Кунлардан бир куни мусика билим юртининг эски биноси олдидан ўтиб кетаётган бир маҳалда, эълонлар тахтасида Зоя бир эълонни кўриб қолади. Унда мусиқа салоҳияти истеъододи бор ҳоҳловчиларни кечки ўқишига таклиф қилишган. Хеч кимга атмаган ҳолда, ўзини синаб қўрмокчи бўлиб, Зоя кириш имтихонларида иштирок этиб, муввафақият билан ўқишига қабул қилинди. Тошкент Давлат

Консерваториясининг “академик вокал” йўналиши бўйича ўқишига кириб, қўшиқчилик санъатининг сир-синоатларини ўрганишни бошлади. Намангандаги қайтгач, Мусиқа билим юрти (кейинчалик номи ўзгарган Санъат билим юрти, кейинчалик яна мақоми ўзгарган Санъат коллежи) да ишлай бошлади. Умуман олганда, Зоя Васильевна 1961 йилдан бошлаб шу даргоҳда вокал синфи ўқитувчиси бўлиб фидокорона ишлади Педагогик фаолияти давомида у кўплаб –яккахон хонандаларни тарбиялади: Софья Тэн, Анвар Турғунов, Галина Трухина(Ерошина), Людмила Касъяненко, Людмила Бессарабова, Ольга Курицева(Нугаева), Рита Ким, Галина Поташова, Халима Турдиева, Лариса Татарчикова, Улугбек Максумов, Малика Норматова, Нозима Норматова (Фофурова), Зулфия Газизова шулар жумласидандир. Зоя Васильевнанинг нафақат Республикаизда, балки Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам нуфузи ва хурмати катта. Тинимсиз ва фидокорона меҳнати учун Зоя Васильевна Меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Маданият ходими, каби унвонлари, шунингдек, “Ғалабанинг 50 йиллиги” ва “Шухрат” каби кўкрак нишонлари билан тақдирланган.





Фойдаланилган адабиётлар: